



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

JIZZAX MINTAQAVIY O'QUV MARKAZI

O'QUV BO'LIMI

“MINTAQAVIY O'QUV MARKAZLARIDA O'QUV-TARBIYA JARAYONINI SIFAT JIHATIDAN YANGI BOSQICHGA KO'TARISH VA TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI”

*O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi
Jizzax mintaqaviy o'quv markazining
2026-yil 2-yarim yillik ish rejasiga asosan o'tkazilgan*

ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI
JIZZAX MINTAQAVIY
O'QUV MARKAZI

Jizzax - 2026

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI
JIZZAX MINTAQAVIY O‘QUV MARKAZI

O‘QUV BO‘LIMI

“MINTAQAVIY O‘QUV MARKAZLARIDA O‘QUV-TARBIYA
JARAYONINI SIFAT JIHATIDAN YANGI BOSQICHGA KO‘TARISH
VA TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI”

O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Jizzax mintaqaviy o‘quv
markazining 2026-yil ikkinchi yarim yillik ish rejasiga asosan o‘tkazilgan

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA MATERIALLARI

T O‘ P L A M I

(2026-yil 05-avgust)

MUNDARIJA

KIRISH SO'ZI	4
Ibragimov X.B. Mintaqaviy o'quv markazlarida ta'lim-tarbiya jarayonini sifat jihatidan takomillashtirish istiqbollari.....	7
Karimov S.S. Ta'limda 21-asr ko'nikmalarini shakllantirish haqidagi yondashuvning axloqiy bahosi.....	16
Ibragimov X.B. Ta'lim jarayonlarini raqamlashtirishda ilg'or xorijiy tajribalarning ilmiy-nazariy asoslari.....	24
Abdurashidov Sh.D. O'quv jarayonlarini xorijiy tajribalar asosida takomillashtirish.....	37
Ibragimov X.B. Ta'limda pedagogik dasturiy vositalar va immersiv texnologiyalardan foydalanish: zamonaviy yondashuvlar va pedagogik samaradorlik.....	42
Султанов Д.И. Маҳалла ҳудудида криминоген вазиятни илмий диагностика қилиш ва жиноятлар профилактикасини такомиллаштириш.....	52
Султанов Д.И. Маҳалла ҳудудида криминоген вазиятни баҳолаш ва жиноятлар профилактикасини такомиллаштириш.....	62
Qodirova M.K. Sun'iy intellektdan foydalanishning o'quvchilar psixologik holatiga ta'siri.....	74
Qodirova M.K. Mintaqaviy o'quv markazlarida o'quvchilarning stressga chidamliligini rivojlantirish usullari.....	81
Adilov B.T. Ichki ishlar organlariga xizmatga qabul qilingan yosh xodimlarda kasbiy moslashuvchanlikni shakllantirishning pedagogik modeli.....	88
Mustafayev O. Ichki ishlar vazirligiga qarashli o'quv markazlarida o'quv-tarbiyaviy jarayonni sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish.....	95
Amonxonova Ya.A. O'smirlarda kiber-chidamlilikni shakllantirish: kiberbulling oqibatlarini psixologik korreksiya qilish.....	103
Suyunov R.S. O'quv-tarbiya jarayonlarini sifat jihatdan yangi bosqichga ko'tarish va takomillashtirish istiqbollari.....	110
Turanov Yu.Yu. O'zbekiston Respublikasi IIV mintaqaviy o'quv markazlarida o'quv-tarbiya jarayonini sifat jihatdan yangi bosqichga ko'tarish.....	118
Sulaymonov I.M. Ichki ishlar organlari xodimlarining kasbiy tayyorgarligini tashkil etish va uni zamonaviy sharoitda huquqiy tartibga solish.....	123

Isanov N.I.	Ta'limda muassasalarida ta'limning sifati va tarbiyaviy ahamiyatini oshirishda kouching metodlaridan foydalanish imkoniyatlari.....	129
Sulaymonov I.M.	Ichki ishlar vazirligi ta'lim muassasalarida xodimlarni tayyorlashda pedagogik faoliyatning o'ziga xos xususiyatlari.....	136
Mustafayev O.	Mintaqaviy o'quv markazlarida o'quv-tarbiya jarayonini takomillashtirishning nazariy va amaliy asoslarini tahlil qilish.....	144
Kutlimuratov M.Sh.	Huquqbuzarliklar profilaktikasi faoliyati tajribasi. Xorijiy davlatlar misolida.....	154
Кутлимуратов М.Ш.	Хуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчасининг назарий ва методологик асослари.....	169
Safarov A.U.	Mintaqaviy o'quv markazlarida o'quv-tarbiya jarayonini raqamli texnologiyalar asosida takomillashtirishning innovatsion mexanizmlari.....	183
Qayumov F.A.	O'quv markazlarida o'quv-tarbiya jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarishda kiberxavfsizlikni takomillashtirishning dolzarbligi.....	186
Islomov Sh.M.	O'quv-tarbiya jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish va takomillashtirish istiqbollari.....	191
Abdullayev B.A.	Jamoat xavfsizligini ta'minlash va jamoat tartibini saqlashda o'quv-tarbiya jarayonining o'rni.....	196
Shaymatov O.A.	Sudlangan shaxslarni masofaviy ta'lim asosida o'qitishda ko'p agentli tizimlardan foydalanishning pedagogik asoslari.....	200
Shaymatov O.A.	Masofaviy ta'lim muhitida sudlangan shaxslarni kasbiy tayyorlashda ko'p agentli intellektual o'qitish tizimining didaktik imkoniyatlari.....	213
Suvonqulov Sh.N.	Mintaqaviy o'quv markazlarida o'quv-tarbiya jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish va takomillashtirish istiqbollari....	222
Bahriddinova S.B.	O'quv-tarbiya jarayonida psixologik xavfsiz ta'lim muhitini yaratish..	228
Utamurodova G.N.	Trenerning notiqlik mahorati.....	233
Utamurodova G.N.	Tarbiyasi og'ir bolalarni ijtimoiylashtirishda oila, mahalla va maktab hamkorligining pedagogik imkoniyatlari.....	239
Jumanova N.Sh.	Mintaqaviy o'quv markazlarida o'quv-tarbiya jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish va takomillashtirish istiqbollari....	245

Tashpo'latova N.X.	O'zbek oilalarida sibling munosabatlarni rivojlantirish orqali o'quv-tarbiya jarayoni samaradorligini oshirishning psixologik asoslari.....	253
Олимов З.М.	Минтақавий ўқув марказларида ўқув-тарбия жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва такомиллаштириш истиқболлари.....	257
Ниёзов Ф.А.	Минтақавий ўқув марказларида ўқув-тарбия жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва такомиллаштириш истиқболлари.....	267
Мўсаев Ш.Р.	Минтақавий ўқув марказларида ўқув-тарбия жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва такомиллаштириш истиқболлари.....	278
Рашидов Д.М.	Минтақавий ўқув марказларида ўқув-тарбия жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва такомиллаштириш истиқболлари.....	289
Abduhafizov T.U.	Toifalangan obyektlarni qo'riqlashda xorijiy davlatlar tajribasi va ilg'or texnologiyalarning qo'llanilishi.....	300

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

КУТЛИМУРАТОВ МАХМУДЖОН ШАРИПБАЕВИЧ,

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти

масъул ходими

Аннотация: Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчасининг назарий ва методологик асослари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Аввало, профилактиканинг маъноси, мақсади ва турлари халқаро ва миллий манбалар асосида ўрганилган. Мақолада классик криминология мактабларидан тортиб замонавий ва ижтимоий ёндашувларгача бўлган асосий назарий концепциялар қиёсий таҳлил қилинган.

Ўзбекистон шароитидаги амалиёт таҳлили орқали, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қонунчилик базаси, фаолият субъектлари, мавжуд муаммолар ва ечим йўллари ёритилган. Шу жумладан, маҳалла институтининг иштироки, рақамли технологияларни жорий этишнинг аҳамияти ва жамоатчиликнинг роли алоҳида қайд этилган.

Мақола яқунларида профилактика соҳасини янада такомиллаштириш бўйича аниқ амалий таклифлар илгари сурилган. Ушбу тадқиқотнинг илмий янгилigi шундаки, тадқиқот ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масаласига комплекс ёндашувни қўллаган ҳолда, миллий ва халқаро тажрибаларни уйғунлаштиришга ҳаракат қилади.

Аннотация: В данной статье всесторонне проанализированы теоретические и методологические основы понятия профилактики правонарушений. В первую очередь рассмотрены сущность, цели и виды профилактики на основе международных и национальных источников. В статье проведён сравнительный анализ ключевых теоретических концепций — от классических криминологических школ до современных социальных подходов.

На основе анализа практики Республики Узбекистан раскрыта нормативно-правовая база в области профилактики правонарушений, определены основные субъекты деятельности, существующие проблемы и пути их решения. В частности, особое внимание уделено участию института махалли, внедрению цифровых технологий и роли общественности в профилактике.

В заключительной части статьи представлены конкретные практические предложения по дальнейшему совершенствованию системы профилактики. Научная новизна исследования заключается в комплексном подходе к проблеме профилактики с учетом синтеза национального и международного опыта.

Annotation: This article provides a comprehensive analysis of the theoretical and methodological foundations of the concept of crime prevention. It first examines the essence, objectives, and types of prevention based on international and national sources. The article offers a comparative analysis of key theoretical frameworks — ranging from classical criminological schools to modern social approaches.

Based on an analysis of the practical context in the Republic of Uzbekistan, the article explores the legal and regulatory framework in the field of crime prevention, identifies the main actors involved, and outlines existing challenges along with potential solutions. Special attention is given to the role of the *mahalla* (neighborhood community) institution, the implementation of digital technologies, and public participation in preventive efforts.

In the final part, the article proposes specific and practical recommendations for the further development of the crime prevention system. The scientific novelty of the research lies in its comprehensive approach to prevention, integrating both national and international experiences.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактиканинг назарий асослари, маҳалла институти, методология, назорат, индивидуал ёндашув, қонунчилик.

КИРИШ

Хуқуқбузарликлар профилактикаси — бу фақат хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти эмас, балки кенг қамровли ижтимоий ва хуқуқий жараён ҳисобланади. Жамиятда жиноятчиликнинг олдини олиш, хуқуқбузарликка олиб келувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳар қандай демократик давлатнинг устувор вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасида бу йўналишда сўнгги йилларда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Профилактика — бу хуқуқбузарликларнинг содир этилишига олиб келувчи омилларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир. Бу фаолият жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунларга риоя этишга ундаш, жиноий ҳаракатларнинг илдизини аниқлашга йўналтирилади¹.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий-хуқуқий жараён бўлиб, жамиятнинг барқарорлиги, хуқуқий онгнинг юксалиши ҳамда фуқароларнинг хавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида хуқуқбузарликлар профилактикасига катта эътибор қаратилаётгани тасодифий эмас. Зеро, ҳар қандай хуқуқбузарлик, ҳатто энг кичик қоидабузарлик ҳам кенг кўламдаги жиноятчиликка олиб боровчи омиллардан бири сифатида қаралади.

Ҳар қандай демократик жамиятда жиноятчилик ва хуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш муҳим устувор вазифалардан биридир. Чунки хуқуқбузарликлар нафақат қонун бузилиши, балки жамиятда тартибнинг бузилиши, инсон ҳавфсизлигига таҳдид, иқтисодий барқарорлик ва маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасида хуқуқбузарликларнинг олдини

¹ Алиев Ш. Совершенствование профилактики правонарушений — требование времени. Социальные и гуманитарные науки в Узбекистане, 2022.

олиш, уларнинг содир этилишини камайтириш, фуқаролар ўртасида ҳуқуқий маданият ва онгни шакллантириш ҳамда профилактика фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Мамлакатимизнинг ривожланиш жараёнида, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўтган қисқа даврда мамлактаимизда барча соҳаларда кўзга кўринарли ислохотлар амалга оширилди, булар ҳар бир соҳада, жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Даставвал “ҳуқуқбузарлик” ва “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчаларига изоҳ бериб ўтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида ҳуқуқбузарлик - содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)² деб таъриф берилган.

Демак, “ҳуқуқбузарлик” — амалдаги қонунчилик меъёрларига зид равишда содир этиладиган, жамиятга, шахсга, давлатга ёки жамоатчилик манфаатларига зарар етказувчи ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларини ўз ичига олади.

Шу ўринда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчасига алоҳида тўхталадиган бўлсак, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий,

² Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. 3-м. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/2387357>. (мурожаат вақти 03.10.2025)

ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими³ бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига олиб келадиган омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ва келгусида ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуидир.

Фикримизча, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти аввало, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни йўқ қилиш ҳамда фуқароларни ҳуқуқбузарлик содир этишдан сақлашга хизмат қилади.

«Словари и энциклопедии на Академике»⁴ (<https://dic.academic.ru>) сайтида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, «профилактика» тушунчаси грекча «prophylaktikos» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилига айнан таржима қилинганда «сақлаш, эҳтиёт қилиш» (предохранительный) маъносини беради. «Профилактика» тушунчасига «олдини олиш, эҳтиёт чораси(ни) кўриш, олдиндан бартараф қилиш» (предотвращение), «хабардор қилиб қўйиш, огоҳлантириш, олдини олиш» (предупреждение), «сақлаш, эҳтиёт қилиш» (предохранение) сўзлари синоним сўзлар ҳисобланади.

Фикримизча, профилактика бу ҳар қандай соҳада вужудга келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг “олдини олиш” маъносини англатади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда жиноят ва бошқа ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг содир этилишини барвақт аниқлаш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Ушбу жараённинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Фуқароларда ҳуқуқий онгни шакллантириш;
- Ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;
- Қонун устуворлигини таъминлаш;
- Жиноятга мойил тоифалар билан ишлашни самарали ташкил қилиш.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. 3-м. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/2387357>. (мурожаат вақти 03.10.2025)

⁴ Словари и энциклопедии на Академике. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc3p/246202>

Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига оид ислохотлар асосан қонунчилик ва давлат органларининг ишини такомиллаштириш, жамоатчилик ва фуқароларни профилактика жараёнларига жалб қилиш, профилактика фаолиятининг мониторингини таъминлашга қаратилган. Ислохотлардан кўзланган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:

• **Хуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш:** Жамиятдаги хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятлар хавфини камайтириш.

• **Профилактика фаолиятини самарали ташкил қилиш:** Давлат органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш.

• **Қонунчиликни мукамаллаштириш:** Хуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни ислоҳ қилиш.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликни олдини олиш жамиятдаги ҳуқуқий тартибни сақлашга қаратилган муҳим фаолиятдир. Қонунларнинг самарали ишлаши, ҳуқуқий механизмларнинг такомиллаштирилиши, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим омиллардир.

Хуқуқбузарликларнинг профилактикаси — жамиятдаги ҳуқуқий тартибни сақлаш ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Бу фаолият нафақат қонунчиликни мустаҳкамлаш, балки жамиятдаги маънавий ва ижтимоий муҳитни яхшилаш, ёшлар ва аҳолини ҳуқуқий саводхонликка ўргатиш, жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали механизмларини яратишга қаратилган. Хуқуқбузарликларнинг профилактикаси, агар даврий мониторинг, жамоатчилик ва давлат органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик билан амалга оширилса, ўзининг максимал самарасини беради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ушбу соҳадаги ислохотлар аҳолининг

хуқуқий онгини ошириш, жиноятчиликни камайтириш ва жамиятда хавфсиз муҳитни яратиш учун янги механизмлар ишлаб чиқилган. Маҳалла тизимининг роли ва жамоатчилик ташкилотларининг фаолияти, шунингдек, ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чоралар, мамлакатдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига катта ёрдам беради.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш – бу фақат жазо бериш эмас, балки жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш, муаммоларни барвақт аниқлаш орқали барқарорликка эришишдир.

Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Аммо тизимдаги самарадорликни ошириш учун норматив-ҳуқуқий база, кадр салоҳияти, идоралараро ҳамкорлик ва жамоатчилик иштирокини кучайтириш зарур.

Жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш — давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарали ташкил этилмаса, жиноятчилик ва бошқа турдаги ҳуқуққа зид ҳаракатлар ортиши мумкин. Шу боис, профилактика тушунчасининг назарий-методологик асосларини чуқур таҳлил қилиш ҳуқуқий сиёсат самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг методологик асослари бир неча муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Илмий ва назарий асослар;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг концепцияси ижтимоий фалсафа, ҳуқуқшунослик, криминология ва психологик фанлар асосида қурилади. Ушбу фанлар ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини, уларнинг ижтимоий оқибатларини ва олдини олиш усулларини тадқиқ этади⁵. Шунингдек, қуйидаги назариялар орқали ҳам ҳуқуқбузарликлар профичлактикасининг методологик асосларини тадқиқ қилади:

⁵ Мирзаев, Ш. Ҳуқуқ тарихи ва жамият. – Тошкент, 2018. – Б. 33.

Криминология назарияси — ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий сабабларини ва уларнинг профилактикаси усулларини тадқиқ этади⁶.

Ижтимоий назариялар — жамиятнинг ҳуқуқий тартибини сақлаш учун ижтимоий муносабатларни ва уларнинг профилактикага таъсирини ўрганади⁷.

Психология фанлари — ҳуқуқбузарликларнинг индивидуал омилларини ва профилактика усулларини таҳлил қилади⁸.

2. Тарихий-ҳуқуқий ёндашув;

Ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг тарихий тажрибаси, жумладан, қонуний чоралар ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари таҳлили профилактика методларини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди⁹.

3. Интегратив (комплекс) ёндашув;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва психологик омилларни ўзида жамлайдиган комплекс ёндашувни талаб этади. Бу эса тизимли таҳлил ва кўп соҳали ҳамкорликни талаб қилади¹⁰.

4. Превентив ёндашув;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий методологик тамойили бу — олдини олиш. Бу ҳуқуқбузарлик содир бўлишидан олдин унинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўришдир¹¹.

Ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш масаласи инсоният тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг методологик асослари ҳам тарих давомида ривожланиб келган. Тарихий методологик жараён ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш усуллари, концепциялари ва назарий ёндашувларнинг эволюциясини ўрганишга қаратилган.

Ҳуқуқ ва жамоат тартибини сақлаш инсониятнинг илк жамиятларида ҳам муҳим вазифа бўлган. Мисол учун, қадимги давлатларда жиноятлар

⁶ Бекназаров, И. Криминология асослари. – Тошкент, “Фан”, 2018. – Б. 72.

⁷ Иванов, П. Социальные теории преступности и профилактики. – Москва, 2017. – С. 34.

⁸ Сидоров, В. Психология профилактики правонарушений. – Санкт-Петербург, 2019. – С. 50.

⁹ Абдуллаев, М. Криминология асослари. – Тошкент. «Юридик», 2020. – Б. 42.

¹⁰ Каримов, И. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси назарияси. – Тошкент, 2021. – Б. 58.

¹¹ Петров, А. Превентив ёндашув ва ҳуқуқбузарликлар. – Москва: Юрид. изд., 2017. – Б. 27.

учун жазолар муқаррар бўлиб, уларнинг мақсади ҳуқуқбузарликларни олдини олиш эди. Бундай жазо тизимлари асосан қўпол ва ўта қатъий бўлиб, ҳуқуқбузарлик содир бўлмаслиги учун қўрқитиш функциясини бажарган¹².

Антик даврда (Греция ва Рим давлатларида) ҳуқуқ ва унинг бузилишига нисбатан ёндашувлар ривожланган. Бу даврда жинойтчилик профилактикасида жамоат тартибини сақлаш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий адолат ғоялари муҳим аҳамият касб этган¹³. Шу пайтда ҳуқуқий нормаларнинг моҳияти ва жавобгарликка тортиш механизмлари назарий жиҳатдан ривожлантирилган.

Ўрта асрларда Европа давлатларида ҳуқуқий тизимлар феодал тизим таъсирида шаклланган. Профилактика асосан ижтимоий ва диний институтлар орқали амалга оширилган. Масалан, инквизиция органлари ва диний жазолар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим восита бўлган¹⁴.

Ўрта асрларда Ўрта Осиёда асосий ҳуқуқий манба сифатида **Қуръон**, **Суннат** ва **Фикҳ** илми қарор топган. Улар шариатнинг асосини ташкил этиб, жинойтчиликни олдини олишда қатъий йўриқномаларни белгилаган¹⁵.

• **Қуръон ва Суннат** — ижтимоий тартиб ва адолатни таъминлашга қаратилган қоидаларни ўз ичига олади.

• **Фикҳ китоблари** — ҳуқуқий масалалар бўйича тафсилотлар ва амалиёт қоидаларини белгилайди, жинойтларга қарши чоралар ва жазо турларини аниқлаб берди.

Бу манбалар жамиятда ҳуқуқий онгни шакллантиришда, жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳамда жазонинг қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлашда муҳим бўлган.

Ўрта асрлар Ўзбекистон (Марказий Осиё) тарихида жуда муҳим давр бўлиб, бу пайтда жамиятда ҳуқуқий тартибни сақлаш ва

¹² Мирзасев, Ф.Ҳ. Ҳуқуқ тарихи ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. — Тошкент, 2015. — Б. 12-15.

¹³ Назаров, А.Б. Антиқ давр ҳуқуқ тизими ва жинойтчилик профилактикаси. — Тошкент, 2017. — Б. 30-35.

¹⁴ Султонов, М.А. Ўрта асрларда ҳуқуқ ва жамоат тартиби. — Самарқанд, 2018. — Б. 45-50.

¹⁵ Мирзасев, Ф.Ҳ. Ислом ҳуқуқий манбалари ва уларнинг тарихи. — Тошкент, 2017. — Б. 35-40.

хукукбузарликларни профилактика қилиш тизими мустаҳкамланди. Ушбу даврда ҳукукий-ижтимоий институтлар ривожланиши, диний ва маданий анъаналарнинг таъсири билан хукукбузарликларнинг олдини олиш усуллари ва механизмлари бир томонлама такомиллаштирилди.

Ўрта асрларда Марказий Осиёда, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом ҳукуқи - **шариат** тизими кенг қўлланилган. Шариатнинг қоидалари асосида жамиятда хукукбузарликларга қарши қатъий чоралар қўрилиши, жамоат тартиби сақланиши таъминланган. Шариат ҳукукий нормалари нафақат жиноятларга, балки ижтимоий ва иқтисодий муносабатларга ҳам таъсир этган.

Шариат тизимида хукукбузарликларни профилактика қилишнинг асосий воситалари - диний таълим, жамоатчилик назорати, жиноят учун жазоларнинг қатъийлиги ва суд тизимининг самарали фаолияти бўлган¹⁶. Бу тизим жамиятда ҳукукий онг ва масъулиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этган.

Ўрта асрлардаги Ўзбекистон ҳудудидаги Қўқон, Хоразм ва Бухоро давлатларида суд-ҳукуқ тизими ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлган. Судларда қонунчиликка асосан шариат ва анъанавий қонунлар асосида қарорлар қабул қилинган. Бу тизимда хукукбузарликларни олдини олиш учун қатъий жазо ва жамоатчиликнинг ҳукукий тарбиясига алоҳида эътибор берилган¹⁷.

XV асрда Бухоро амири томонидан чиқарилган фармонларда шаҳарда тартибни сақлаш учун махсус жамоалар - «шўрта»¹⁸ (айрим манбаларда «шурта»)ларнинг фаолияти тартибга солинган. Улар қонунбузарликларни тезда аниқлаб, жазо бериш билан бирга, жамоатчилик тартибини сақлашда

¹⁶ Абдуллаев, М.Х. Ўрта асрларда Марказий Осиёда ҳукуқ ва жамоат тартиби. Тошкент, 2016. Б. 50-55.

¹⁷ Тўраев, Н.Қ. Қўқон ва Хоразм давлатларининг ҳукуқ тизими. — Самарқанд, 2018. — Б. 70-75.

¹⁸ Ўрта асрлар тарихида Ислом дини тарқалган ўлкаларда «**ҳожиб**», «**жилвоз**» ва «**шурта**» каби қўриқчилар қози ҳузурига келган даъвогарлар интизомини сақлаб турувчи ходимлар ҳисобланган. Булар, асосан, қози ҳузурига кириш, унинг олдида ўтириш каби ҳолатларда даъвогарлар томонидан тартибга риоя қилинишини таъминлаганлар. Шу билан бирга, маҳкамадан ташқарида қози юклаган вазифаларни бажарганлар. «Судья маънавияти, одоби ва масъулияти» китобидан. <https://sudyalariyikengashi.uz/uz/publications/ozi-ul-uzzot-andaj-lavozim-blgan-noibul-ozi-ch>. (Мурожаат вақти 03.10.2025 й)

профилактика вазифасини бажарган¹⁹.

Қўқон хонилигида ер-мулк муносабатларига оид қонунларда мулкни ўғирлаш, фосилалик қилиш каби ҳуқуқбузарликларга нисбатан қатъий жазо белгиланган. Бу қонунлар ер эгалари ва умуман жамоатчилик манфаатини ҳимоя қилиш учун хизмат қилган ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни камайтиришга хизмат қилган²⁰.

Ўрта асрлардаги маҳаллий жамоаларда анъанавий одатий ҳуқуқ қоидалари асосида жамоатчилик ўз-ўзини тартибга солишга уринишган. Масалан, оилавий муаммолар ёки кўча маҳаллий низолари маҳалла раиси ёки қари-қийомлар томонидан ҳал қилиниб, катта суд жараёнларига бормасдан ҳал қилиниши жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларни камайтиришга ёрдам берган²¹.

Ўрта асрлардаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишнинг методологик асослари қуйидаги жиҳатлар билан изоҳланади:

• **Ҳуқуқий анъаналар ва шарият қоидаларига асосланган тизимли ёндашув** - ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда диний-ҳуқуқий қоидалар асос қилинади.

• **Жамоатчилик назоратининг роли** - қишлоқ ва шаҳар жамоатлари ҳуқуқбузарликларга қарши биргаликда ҳаракат қилган.

• **Таълим ва тарбиянинг профилактикадаги ўрни** - мактаблар ва медресаларда ҳуқуқий билимлар ва ахлоқий қадриятлар берилиши.

• **Жазо тизими** - жазоларнинг қатъийлиги ва уларнинг жамоатчилик олдида ошқора бажарилиши ҳуқуқбузарликлар даражасини камайтиришга хизмат қилган.

Ушбу методологик тамойиллар шу даврдаги ҳуқуқий назариялар ва амалиётнинг уйғунлашуви сифатида намоён бўлган²².

Ўрта асрлардаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишда ижтимоий ва иқтисодий омиллар ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Масалан,

¹⁹ Тўраев, Н.Қ. Бухоро амирлиги тарихи ва ҳуқуқ тизими. — Самарқанд, 2018. — Б. 82-85.

²⁰ Абдуллаев, М.Ҳ. Қўқон хонилигида қонунчилик ва жамоат тартиби. — Тошкент, 2017. — Б. 45-50.

²¹ Назаров, А.Б. Маҳалла институти ва анъанавий ҳуқуқ. — Тошкент, 2019. — Б. 60-65.

²² Каримов, Ш.И. Ўрта асрларда ҳуқуқий методология. — Тошкент, 2020. — Б. 85-90.

қашшоқлик, жамиятдаги нотенгликлар, ташқи таҳдидлар ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари сифатида қаралган ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилган²³.

Ҳозирги кун ҳуқуқшунослари ва тарихчилари ушбу даврдаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизимини ҳуқуқий методологиянинг муҳим қисми деб баҳолашади. Бу тизим ўзининг умуминсоний тамойиллари ва маҳаллий хусусиятлари билан ажралиб туради²⁴.

Ўрта Осиёда ўрта асрларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси методологияси — диний, ижтимоий ва ҳуқуқий элементларнинг уйғунлиги бўлиб, бу тизимда таълим, тарбия, жамоатчилик назорати ва жазо мувозанатда бўлган. Бугунги куннинг ҳуқуқшунослиги ушбу тарихий тажрибани замонавий профилактика концепцияларига интеграциялашга интилоқда²⁵.

XVII-XVIII асрларда янги ҳуқуқий фикрлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси концепциялари пайдо бўлди. Жон Лок, Жон Стюарт Милл каби файласуфлар шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари билан бирга жавобгарлик ва профилактика масалаларига эътибор қаратишган. Бу даврда жазонинг инсон ҳуқуқларига мувофиқлиги ва профилактиканинг ижтимоий-иқтисодий асослари ҳақидаги ғоялар шаклланган²⁶.

XX асрда ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш назарияси ва амалиёти тез ривожланди. Психология, социология, педагогика фанлари профилактика методларини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади. Жиноятчиликнинг ижтимоий сабаблари, индивидуал психологик хусусиятлари ва профилактика усуллари илмий жиҳатдан ўрганилди²⁷. Шу билан бирга, профилактикада ижтимоий ресурслардан самарали фойдаланиш ва профилактика дастурларини ишлаб чиқишни ўз ичига олган

²³ Султонов, М.А. Ижтимоий-иқтисодий омиллар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Тошкент, 2019. Б. 100-105.

²⁴ Назаров, А.Б. Ўрта аср ҳуқуқ тизими ва замонавий таҳлил. — Тошкент, 2021. Б. 110-115.

²⁵ Каримов, Ш.И. Ўрта асрлар ҳуқуқшунослиги ва замонавий методология. Тошкент, 2022. Б. 100-105.

²⁶ Каримов, Ш.И. Янги давр ҳуқуқий фикрлари. Тошкент, 2020. Б. 40-42.

²⁷ Рахимова, Н.Д. Жиноятчилик ва психологик профилактика. Тошкент, 2019.- Б. 60-65.

интегратив ёндашувлар пайдо бўлди.

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликларни профилактикасида рақамли технологиялар, маълумотларни таҳлил қилиш, жамоатчилик иштирокини ошириш каби янги усуллар қўлланилмоқда. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишда барча жамият институтларининг ҳамкорлиги ва интеграцияси муҳим бўлиб қолмоқда²⁸.

Хулоса

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш – бу фақат жазо бериш эмас, балки жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш, муаммоларни барвақт аниқлаш орқали барқарорликка эришишдир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жамиятда ҳуқуқий онгни ошириш, жинойтчиликни камайтиришда ҳал қилувчи ўрин тутади. Назариёт, методология ва амалиёт бирлашгандагина бу соҳада ҳақиқий ютуқларга эришиш мумкин. Ўзбекистон шароитида бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини ошириш учун профилактика сиёсатини илмий асослаш ва амалий моделларни синовдан ўтказиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т 2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» (2014 йил 14 сентябрь).
4. Алиев Ш. Совершенствование профилактики правонарушений — требование времени. Социальные и гуманитарные науки в Узбекистане, 2022.
5. Beccaria, C. (1764). On Crimes and Punishments.
6. Cornish, D., Clarke, R. (1986). The Reasoning Criminal: Rational Choice

²⁸ Иброҳимов, Ж.Ҳ. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг замонавий усуллари. Тошкент, 2022.- Б. 75-80.

Perspectives on Offending.

7. Clarke, R.V. (1995). Situational Crime Prevention. Harrow and Heston.
8. Australian Institute of Criminology. (1997). Types of Crime Prevention.
9. Jalilov N. Индивидуальная профилактика преступлений: теория и практика. Inscience.uz, 2023.
10. Alimov S., Shaumarov A. Муаммолар профилактикасида ёшлар билан ишлаш. Социальные инновации, 2022.
11. Normativ baza – www.norma.uz
12. www.tsul.uz – Тошкент давлат юридик университети илмий-амалий таҳлиллари.



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

JIZZAX MINTAQAVIY O'QUV MARKAZI

O'QUV BO'LIMI

O'QUV MARKAZI

